

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУРОДОВА НИГОРА АБДУСАТТОРОВНА**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ САВОД  
ЎРГАТИШГА КАСБИЙ-МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика филолари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Нормуродова Нигора Абдусатторовна**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик  
компетентлигини ривожлантириш.....3

**Нормуродова Нигора Абдусатторовна**

Развитие профессионально-методической компетентности будущих учителей  
начальных классов в обучении грамоте.....21

**Normurodova Nigora Abdusattorovna**

Development of professional and methodological competence of future primary  
school teachers in literacy.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publication.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМУРОДОВА НИГОРА АБДУСАТТОРОВНА**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ САВОД  
ЎРГАТИШГА КАСБИЙ-МЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎД)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2018.1.PhD/Ped498. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг  
веб-саҳифаси [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)  
манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исакулова Нилуфар Жаникуловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ҳамраев Алижон Рўзикулович**  
педагогика фанлари доктори, (DSc) доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги  
DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «9» шол соат 11<sup>00</sup> даги  
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор  
кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (14/2 рақами билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй.  
Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2021 йил «29» шол да тарқатилди.

(2021 йил «29» шол да 7 рақамли реестр баённомаси)

**Р. Ҳ. Ҳ. Ҳ.**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, пед. ф. д., проф  
**Н. А. М. М.**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, пед. ф. н.  
**Н. А. Муслимов**  
илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, пед. ф. д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аниотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. Компетенциявий ёндашув асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишлари, ўқитишнинг вариатив такдлари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда.

Жаҳон олий таълим муассасаларида бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик тайёргарлиги сифатини таъминлаш, таълим жараёнини моделлаштириш, лойиҳалаштириш, касбий тайёргарликни такомиллаштириш, касбий сифатларни ва компетенцияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига она тилини ўқитиш ва касбга тайёрлашни халқаро малака талаблари асосида олиб бориш, таълим сифатини халқаро даражага кўтариш, савод ўргатиш кўникмаларини ривожланиш даражаси диагностикасини амалга ошириш, модулли таълимни йўлга қўйиш, ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, бошланғич синф ўқитувчисининг профессионалигини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетентлигини ривожлантириш, бошланғич синфларда таълим жараёнини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, компетент мутахассис ва касбий компетенцияни ривожлантириб, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий меъёрий асослари яратилди. “Ўзлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>1</sup> муҳим устувор вазифа сифатида белгиланди. Натижада, компетентли ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини педагогик технологиялари асосида такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 28 декабрь ва 2020 йил 20 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаларида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон.

хамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари Б.Абдуллаева, Г.Боймуродова, К.Қосимова, Х.Ғуломовалар томонидан тадқиқ қилинган. Бошланғич синф она тили дарсларини ташкил этишни такомиллаштириш масалалари У.Машарипова, савод ўргатиш масалалари Қ.Абдуллаева, С.Матчонов, Ш.Сариев, К.Қосимова, М.Ғуломов, Т.Ғаффорова Х.Ғуломовалар томонидан тадқиқ қилинган.

Таълимнинг турли босқичларида ёзув маданиятини шакллантириш, нутқий фаолият масалалари ва мавжуд маданиятга ёндашувлар МДХ давлатлари олимлари А.Н.Васильева, И.А.Зимняя, Т.А.Ладиженская, М.Р.Львов томонидан ўрганилган.

Компетент мутахассис ва касбий-методик компетенцияни ривожлантириш муаммолари Bonimar T.Afalla, Fitzgerald L.Fabelico, Gabriela Kelemen, Rodrigo Lozano, Michelle Merril, Kaisu Sammalisto, Kim Ceulmans, Francisco J.Lozano, Tsankov N., Pembe Bozat, Naziyet Bozat, Cigdem Nursen, Benjamin Fauth, Jasmin Decristan, Anna-Theresia Decker, Gerhard Büttner, Ilonca Hard, Eckhard Klieme, Mareike Kunter, Samuel Merk, Simone Poindl, Sebastian Wurster, Thorsten Bohl., Wu-Ying Hsieh, Mary Louise Hemmeter, Jeanette A.McCollum, Michaelene M.Ostrosky, Malik Sultanbekларнинг илмий ишларида асосланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-методик компетентлиги тузилмасини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетенцияларини мустақил таълим компонентлари орқали ривожлантириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-методик компетентлигини саводга ўргатишда ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг модулли босқичларини аниқлаштириш ва педагогик тажриба-синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Термиз давлат университети ва Жиззах давлат педагогика институтларининг 400 нафар талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган усуллар мажмуи қўлланди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг мулоқот самарадорлиги тузилмаси универсал касбий, умумкасбий ва махсус компетенцияларни ахборотга сезгирлик, амалиётга бўлган ижодий муносабатига алоқадорлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетенциялари трансформация парадигмаси ўзгаришлари контекстида пайдо бўлган эмпирик ва назарий шарт-шароитларнинг иерархик даражасини тармоқли таълим майдонида аниқлаштириш асосида ривожлантирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетентлиги кўрсаткичлари қадриятли-мақсадли, дидактик-услубий, миқдорий ва сифат параметрларининг ўзгаришларини мантиқий-мазмунли, модулли босқичлари адаптив ва репродуктив ўқитишга интеграциялашуви асосида аниқлаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига савод ўргатиш касбий-методик компетентлиги малакага асосланган методологик ёндашувлар, ўзаро таъсир субъектларининг ҳақиқий ва потенциал, реал ва нореал омиллари ўртасидаги муносабатларнинг концептуал жиҳатларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқитувчисини саводга ўргатишда касбий-методик компетентлиги тузилмаси такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқитувчисини саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантиришда модулли ўқитиш технологияси босқичлари аниқлаштирилган;

«Она тили ўқитиш методикаси (Савод ўргатиш методикаси)» ўқув қўлланмаси нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантириш модели, касбий-методик компетенциялар, тузилмаси, касбий-методик компетенциянинг коммуникатив, ташкилий, рефлексив, мотивацион компонентлари ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида «Она тили ўқитиш методикаси» фанидан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бошланғич синф ўқитувчисини саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантиришда модулли ўқитиш технологияси босқичлари ва методик таъминотидан фойдаланиш имконияти билан изоҳланади

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

универсал касбий, умумкасбий ва махсус компетенцияларни синергетик интеграциялаш асосида такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-методик компетентлиги тузилмасига оид хулоса ва тавсиялардан бошланғич синф ўқитувчилари малакасини ошириш курсларининг таянч режаси асосида тайёрланган «Бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси» ва «Бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар» модули бўйича ўқув-методик ресурсларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги 89-03-1962-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилган;

мустақил таълимнинг компонентлари асосида ривожлантирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишда касбий-методик компетенциялар иерархик даражасига оид таклиф ва хулосалардан «Она тили ўқитиш методикаси (Савод ўргатиш методикаси)» ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 23-сон буйруғи, №522-093). Натижада, «Она тили ўқитиш методикаси» фанидан ўқув-услубий мажмуасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқитишнинг регламентлик тамойилига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик



компетентлигини ривожлантириш моделига оид таклиф ва хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 ноябрдаги 877-сон буйруғи билан тасдиқланган малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги 89-03-1962-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг электрон ахборот таълим ресурси яратилган;

адаптив ва репродуктив ўқитишга интеграциялашуви аниқлаштирилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари савод ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг модулли босқичларига оид таклиф ва хулосалардан «Она тили ўқитиш методикаси (Савод ўргатиш методикаси)» ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 23-сон буйруғи, №522-093). Натижада, бошланғич синф ўқитувчилари малакасини ошириш тизими ўқув-методик таъминоти бойитилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 153 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич таълим – узлуксиз таълимнинг асоси, компетентли ёндашув педагогик таълимнинг концептуал асоси сифатида ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-методик компетентлиги тузилмаси ёритилган.

Бошлангич таълим бу таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган<sup>2</sup>. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади. Бунда мавжуд ўқув-методик таъминотни ташкил этувчи ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув қўлланма, методик кўрсатма ва таълиқлар ҳамда ўқув-методик мажмуаларнинг таркибий қисмларини қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу орқали муаммоларни аниқлаш, уларга бугунги кун нуқтан-назаридан баҳо бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ўқитувчилик фаолияти, бошлангич мактаблар ҳамда бошлангич таълим билан боғлиқ тарихий жиҳатлар азалдан мавжуд бўлиб, ривожланиб келган.

Бошлангич синф ўқитувчисининг асосий педагогик вазифаси ўқув-тарбия жараёнини бошқариш ҳисобланиб, уни тайёрлов, режани амалга ошириш босқичи ва якуний босқич каби учта босқичларга ажратиш мумкин. Тайёрлов босқичи мақсадни белгилаш, ташхис, прогнозлаш, лойиҳалаш ва режалаштиришдан иборат. Режани амалга ошириш босқичида ўқитувчи ахборот, ташкилий, баҳолаш, назорат ва тузатиш вазифаларини, якуний босқичида эса таҳлилий вазифани амалга оширади. Тадқиқотда компетенция, компетентлик, касбий компетенция, махсус компетенция, касбий компетентлик тушунчаларининг мазмун моҳиятини аниқлаш имконини беради.

Компетенциявий таълим («таълимда компетенциявий ёндашув») – мураккаб ва зиддиятли мавзу бўлиб, бугунги кунда муаммога доир нашр ишларининг ўсиб бораётганлигига қарамай, етарлича ўрганилмаган ҳисобланади. Тушунча АҚШда таниқли ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш жараёнида юзага келган, уни таҳлил қилиш, концептуал асосини ишлаб чиқиш учун кўпгина уринишларнинг натижаси бўлган.

О.Е.Лебедев таърифлаганидек, таълимда компетенциявий ёндашув – бу таълим мазмунини аниқлаш, таълим мазмунини танлаш, таълим жараёнини ташкил этиш ва таълим натижаларини баҳолаш умумий принципларининг мажмуидир. Компетенциявий ёндашувнинг етакчи ғояси – “натижадан” шакллантириладиган таълим мазмунини тушунишдир (“якуний стандарт”).

Компетенциявий ёндашув таълим муассасасининг (кенгроқ – таълим тизимининг) унинг буюртмачилари, истеъмолчилари билан, аввало кенг тушуниладиган иш берувчи билан ижтимоий ўзаро алоқаси юзага келганида талаб этилади. Компетенциявий ёндашувни кўпинча у ёки бу меҳнат, кўпинча оддий операцияларни ўргатиш ва бажариш билан боғлиқ бўлган амалий-йўналтирилган меҳнат тайёргарлиги билан адаштирилади. Компетенциявий ёндашув кенгроқ бўлиб, масалан уни амалга ошириш чуқур билим эгаллашсиз мумкин эмас, мазкур ёндашувнинг муҳим белгиси таълим олувчининг кейинчалик мустақил таълим олиши ҳисобланади.

Универсал касбий компетенциялар (ижтимоий, коммуникатив, ахборот, муаммоли, кооператив), умумкасбий (психологик-педагогик, меъёрий-ҳуқуқий, рефлексив) ва махсус (фанга оид ва методик) компетенцияларини синергетик интеграцияси асосида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлиги тузилмасини аниқлаштириш имконини беради (1-жадвалга қarang):

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Қонуни, 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637 сон.

**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлиги тузилмаси**

Универсал касбий компетенциялар	Умумкасбий компетенциялар	Махсус компетенциялар
ижтимоий	психологик-педагогик	фанга оид
коммуникатив	меъерий-ҳуқуқий	методик
ахборот	рефлексив	
муаммоли		
кооператив		

Диссертациянинг “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш шакл ва методлари” деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини саводга ўргатиш амалиёти, саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш модели ҳамда модулли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш ёритилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини саводга ўргатиш амалиёти қуйидаги йўналишларда таҳлил қилдик:

мактабгача ва бошланғич таълим узвийлиги масалаларини таҳлил қилиш;

бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик бепул тайёрлаш тажриба гуруҳлари фаолиятини ўрганиш;

республика халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни таҳлил қилиш;

бошланғич синфларда ўқувчилар она тили ва ўқиш бўйича эгаллашни лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни ўрганиш;

бошланғич таълим дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини таҳлил қилиш;

5111700-Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш таълим йўналиши ўқув режаси ва “Она тили ўқитиш методикаси” фани дастурларини таҳлил қилиш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетенциялари мустақил таълим (ўргатувчи, тайёрловчи, мустаҳкамловчи, такрорий, ривожлантирувчи, ижодий, назорат қилувчи) орқали ривожлантирилган. Шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантириш модели коммуникатив, ташкилий, рефлексив, мотивацион компонентлар орқали такомиллаштирилган.

Таълим жараёнига интегратив ёндашув асосида модель ўз ичига мақсадга қаратилган, мазмунга оид, операцион ва баҳолаш-натижага оид блокларини олади. Педагогик жараёндаги содир бўладиган тизимнинг асосий таркибий қисмлари сифатида тадқиқотда ўзаро фаолиятдаги мақсад, вазифалар, методлар, воситалар, шарт-шароитлар, шакллар, шунингдек, бунда эришиш мумкин бўладиган натижаларни ажратиб кўрсатади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш модели 1-расмда ўз ифодасини топган (1-расмга қаранг).

Натижиюй буртурма: Булажак бошлангич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш

Тадқиқотнинг мақсади: Булажак бошлангич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантиришдан яборат

**Мақсадга қаратилганлик блоки**

Мақсад	Вазифалар	Тамойиллар	Ёндашулар
Булажак бошлангич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш	Касбий методик компетентлигини ривожлантириш, йўналишларини аниқлаш, савод ўргатиш босқичларини аниқлаш, мотивацион муҳитни тақомиллаштириш	тарбия ва ривожлантирувчи таълим, индивидуаллаштириш, табақалаштириш, ёш ямқониятларини ҳисобга олиш тамойиллари	тизимли, шакс фаолиятига йўналтирилган, компетентли, фаолиятли ёндашу

**Мазмунга оид блок**

1-босқич	2-босқич	3-босқич	4-босқич
Саводга ўргатишда касбий-методик тайёрларлик босқичи	алифбогача тайёрларлик даврини ўргатиш босқичи	алифбо даврини ўргатиш босқичи	саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш

**Операционал блок**

Ўқитиш дастурлари	Шакллари	Методлари	Воситалари
Муаммоли, дастурий, лойиҳали, автоматлаштирилган ўқитиш	Иллюстратив ва тушунтириш, муаммоли, дастурланган, ностандарт дарслар	Таълимнинг оғзаки, қўرғазмали, амалий, муаммоли илганиш, мустақил ишлар, репродуктив эвристика, индуктив ва дедуктив, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари	Матли, тасвирли, аудио-визуал, ёрдамчи, модели воситалар
<b>Йўналишлари</b>			
мактабгача ва бошлангич таълим узвийлиги масалаларини таҳлил қилиш	бошлангич таълимга мажбурий бир йиллик бепул тайёрлаш тажриба гуруҳлари фаолиятини ўрганиш	республика халқ таълими тизмида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни таҳлил қилиш	бошлангич таълим дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини, таълим йўналиши ўқув режаси ва "Она тили ўқитиш методикаси" фани дастурларини таҳлил қилиш

**Натижадорликни баҳолаш блоки**

юқори	ўрта	паст
Методик компетенцияни баҳолаш	Рефлексив компетенцияни баҳолаш	Фанга оид компетенцияни баҳолаш

Натижа: Булажак бошлангич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлиги ривожлантирилган

**1-расм. Булажак бошлангич синф ўқитувчиларининг саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантириш модели**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини саводга ўргатишда касбий-методик компетентлигини ривожлантиришга мос равишда таълим шакллари, методлари ва воситаларидан фойдаланиш талаб этилади. Дастлабки сўров босқичида бошланғич синф ўқувчисининг ўқиш ва ёзиш кўникмалари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни тўплаш, баҳолаш ва тузатиш босқичида саводга ўргатишга аниқлик киритиш, мустақил баҳолаш босқичида давом эттириладиган қўшимча машғулотларни танлаш ҳамда якуний саралаш босқичида эса касбий-методик компетентлигини ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилади (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал.

### Таълим шакллари, методлари ва воситалари

№	Касбий-методик компетенцияни ривожлантириш босқичлари	Таълим шакллари	Таълим методлари	Таълим воситалари
1.	Дастлабки сўров босқичи	савод ўргатишга иллюстратив ва тушунтириш дарслари	таълимнинг кўргазмали методлари	тасвирли воситалар
2.	Баҳолаш ва тузатиш босқичи	савод ўргатиш жараёни босқичлари асосида муаммоли дарслар	таълимнинг муаммоли изланиш, репродуктив эвристик, мустақил ишлар методлари	матнли воситалар
3.	Мустақил баҳолаш босқичи	савод ўргатишда машқ турлари бўйича дастурланган дарслар	таълимнинг амалий методлари	аудио-визуал воситалар
4.	Якуний саралаш босқичи	бошланғич ёзувга ўргатиш бўйича ностандарт дарслар	таълимнинг индуктив ва дедуктив методлари	ёрдамчи ва модели воситалар

Юқорида қайд этилган методлардан ташқари савод ўргатишда ҳозирги замон анализ-синтез товуш методикасининг аъъанавий (одат бўлиб қолган) принципларидан тарбияловчи ва ўстирувчи хусусияти, ўқувчиларнинг жонли нутқиға асосланиш, метод асосига товуш олиниши ўқиш бирлиги экани, ташкилий томондан тайёрлов ва асосий даврга бўлиниши ва нисбатан яқиндан шакллаган ёки ташкил топиш жараёнида бўлган принципларини мавжуд. Савод ўргатиш жараёнида ўқувчиларга дифференциал ва индивидуал ёндашиш, грамматика ва имлога оид бошланғич тушунчаларни назариясиз амалий бериб

бориш, сўзни бўгин-товуш томонидан таҳлил қилиш, тушунчанинг нусхасини чизиш каби ҳаракатлар бажарилади.

Фанни ўқитиш жараёнида келтирилган мавзулар назарий қоидалардан унинг аниқ-методик амалга оширишга ўтишни кетма-кет очиб беради. Мазкур мавзу тасодифий эмас, у бошланғич таълимнинг ўқитувчиларни тайёрлаш сифатини яхшилаш талаби билан белгиланган (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал

**«Она тили ўқитиш методикаси» фанининг (2 курслар учун) модул тузилиши**

Модул	Модул мазмуни	Модул тузилиши
1-модул	Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикасининг умумий масалалари	Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси фанининг предмети ва Бошланғич таълим она тили фанидан ДТС ва ўқув дастури, дарслик
2-модул	Бошланғич синфларда она тили ўқитишнинг хусусий масалалари. Савод ўргатиш методикаси	Савод ўргатиш методикасининг мақсад ва вазифалари
		Савод ўргатишда ҳозирги замон анализ-синтез товуш методи
		Савод ўргатиш жараёни босқичлари
		Савод ўргатишда машқ турлари
3-модул	Хуснихатга ўргатиш методикаси	Савод ўргатиш даврида бошланғич ёзувга ўргатиш
		Хуснихатга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари, аҳамияти
		Ёзувлар тарихидан маълумот
		Хуснихатга ўргатиш тарихидан маълумот
		Хуснихатга ўргатишнинг гигиеник шартлари.
		Ёзув материаллари ва қуроллари
		Хуснихатга ўргатиш тамойиллари
Хуснихатга ўргатиш усуллари		
1-4 синфларда хуснихат дарслари		

Болаларнинг савод ўргатишга тайёргарлигини ўрганиш, савод ўргатиш жараёни, савод ўргатишда тайёрлов даври, бу босқичдаги ўқиш ва ёзув дарсларининг мавзулари ҳамда иш турлари ҳам олиб борилади. Савод ўргатишда асосий давр алифбе даври ҳисобланиб, асосий даврнинг вазифалари сиянги материал ўрганиладиган мустаҳкамланадиган ўқиш дарслари ва унда фойдаланадиган иш турлари, савод ўргатиш жараёнида товушлар ва ҳарфларни ўрганиш тартибига “Алифбо” қурилишининг боғлиқлиги ҳамда савод ўргатишда дифференциал ва индивидуал ёндашиш олинган. 1-синф тайёргарлик даврида ёзув ҳамда алифбе даври ёзувга ўргатиш ҳафтасига 4 соатдан, жами 64 соат режалаштирилган. 1-синф “Алифбе” фанидан эса тақвим мавзу режаси ҳафтасига 4-соатдан 64 соат режалаштирилган.

## Савод ўргатишни модулларга ажратиш

№	Модул	Модул 1	Модул 2	Модул 3
1.	Савод ўргатиш методикасининг мақсад ва вазифалари	Савод ўргатиш методикасининг илмий асослари	Савод ўргатиш методикасининг психологик асослари	Савод ўргатиш методикасининг лингвистик асослари
2.	Савод ўргатишда ҳозирги замон анализ-синтез товуш методи	Ўзбек тили ёзуви товуш ёзуви, яъни фонематик ёзув	Ўзбек тилининг товуш тизими ва ёзуви	Аналитик-синтетик (товуш-таркиб) товуш методи тамойиллари
3.	Болаларнинг савод ўргатишга тайёрлигини ўрганиш	Ўқиш кўникмасини аниқлаш	Товушни таҳлил қилишга тайёргарлиги	Оғзаки боғланишли нутқи. Эртақ айтиш
		Ёзув кўникмаси	Оғзаки боғланишли нутқи. Шеърни ёддан ўқиш	Оғзаки боғланишли нутқи. Фикр баён қилиш
4.	Ўқиш ва ёзиш - нутқ фаолиятининг тури	Ўқиш ва ёзиш кўникмасини шаклланишини аниқлаш	Ўқиш ва ёзиш кўникмасини такомиллаштириш	Ўқиш ва ёзиш кўникмасини малакага айлантириш
5.	Савод ўргатиш жараёни босқичлари	Савод ўргатиш жараёни ва унинг давлари	Алифбогача тайёргарлик даври	Алифбо даври
6.	Савод ўргатишда машқ турлари	Ҳарф билан таништириш	Анализ ва синтез машқлари	Интерфаол топшириқлар
		Савод ўргатиш ўқиш дарсларининг турлари ва твзилиши	Савод ўргатиш даврида нутқ ўстириш усуллари	
7.	Савод ўргатиш даврида бошланғич ёзувга ўргатиш	Партада тўғри ўтириш, дафтарни тўғри қўйиш, чизикларни чамалаш, озаётганда ручкадан тўғри фойдаланиш, ҳошияга риоя қилиш	Иш дафтари ёки алифбе асосида ўзбек алифбосидаги барча катта ва кичик ҳарфларни ёзиш, шунингдек, ҳарфларни сўзда бир-бирига боғлаб ёза олиш: босма матнни ёзма матнга айлантириб ёзиш	Ёзувга ўргатишнинг ташкилий ва гигиеник шартлари
		Ёзувга ўргатишда орфографик элементлар	Ёзув дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш	Савод ўргатиш даврида ўқиш ва ёзув дарслари
		Ўқиш ва ёзув дарсларига қўйиладиган талаблар	Ўқиш ва ёзув дарсларининг турлари	Дарслар тизими

Савод ўргатиш даврида ўқув машғулотларининг асосий турларидан товуш устида ишлаш, товушлар артикуляцияси ва диксия устида ишлаш ҳисобланади. Савод ўргатиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстириш, лугат устида ишлаш, грамматика имлодан дастлабки амалий билимлар, оз компонентли мактабларда дарсларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Савод ўргатиш даврида бошланғич ёзувга ўргатишда ёзувга ўргатиш мазмуни ва вазибалари, ёзув малакасини шакллантириш босқичлари, ҳозирги ёзув шрифтига (ҳарфига) тавсифнома, ёзувга ўргатиш билан боғлиқ ҳолда хусниҳат малакасини шакллантириш усуллари таҳлил этилади. Ёзувга ўргатишнинг ташкилий ва гигиеник шартлари, ҳарфни ёзишга ўргатиш йўллари, ўқувчиларда учрайдиган типик график хатолар, ёзувга ўргатиш жараёнида асосий имловий элементлар ҳам иборат. Ёзув дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш, савод ўргатиш даврида ва ёзув дарслари, уларга қўйиладиган талаблар, ўқиш ва ёзув дарсларининг турлари, ўқиш ва ёзув дарслари тизими ҳам ўргатилади<sup>3</sup>.

Адаптив (мустақил ишлашда талаб, изланиш, ижодий) ва репродуктив (кўргазмали тушунтириш, тинглаш, хотирада сақлаш) ўқитиш асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг модулли ўқитиш технологияси босқичлари аниқлаштирилган. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини саводга ўргатишда модулли ўқитиш технологияси орқали касбий-методик компетентлигини ривожлантириш жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштирилади. Унда, талабаларнинг “Она тили ўқитиш методикаси” фан дастури асосида мустақил таълим олишларига алоҳида урғи берилади, уни ташкил этиш механизми муаммоли ёндашув асосида амалга оширилади. Модулли технологиянинг мақсади, “Она тили ўқитиш методикаси” фани дастуридаги саводга ўргатиш методикасининг босқичма-босқич амалга оширилиши орқали рўёбга чиқади. Модул ўқитиш усули асосида саводга ўргатиш машғулотлари-нинг лойиҳалари тузиб чиқилади. Саводга ўргатиш мазмунини тартибга солиб, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб йўналтирилган фаолиятни мантикий боғланган қисмларга ажратган ҳолда, модулнинг ўзига тегишли мақсад, фаолият мазмуни ва таъсир доираси белгиланади (4-жадвалга қаранг):

Саводга ўргатиш методикаси бир бутунликда модул деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – кичик модулларга ажратилади ва бу жараёнда иштирок этадиган барча модул элементларининг умумий ва хусусий мақсадлари аниқланиб, уларга ажратилган вақт, билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар, ўқув машғулоти (тури ва типи), педагогик услублар, ахборот технологиялар ва дидактик материалларнинг ўзаро узвий боғлиқликда кўриб, ҳар бирини қўллаш жойлари ва йўллари аниқланиб, ўқув машғулотининг лойиҳасига белгилаб қўйилади.

Диссертациянинг “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш” деб номланган учинчи

<sup>3</sup> Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси. Электронный ресурс: <http://new.tdpu.uz/page/6706>. Мурожаат санаси: 18.10.2020.



бобида педагогик тажриба-синов ишларини мазмуни ва унинг натижалари таҳлили келтирилган.

Қўйилган вазифаларга мос равишда ўтказилган тажриба-синов ишлари икки асосий қисмдан ташкил топди: таъкидловчи ва шакллантирувчи тажриба-синов босқичлари. Тажриба-синов ишларининг мазкур фаолият йўналишлари асосий мақсади олий таълим муассасалари талабаларининг касб таълими тизимининг замонавий бошланғич таълим талабларига мослиги ва мақсадга мувофиқлиги даражасини оширишдан иборат. Бунда эмпирик маълумотларни йиғишнинг турли-туман методлари мажмуидан фойдаланилди: олий таълим муассасаларида педагогик жараёни кузатиш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари, талабалари билан индивидуал суҳбатлар, талабалар ва ўқитувчилар анкета-сўровномалари; педагогик ҳужжатлар таҳлили.

Педагогик тажриба-синов ишлари “5111700-Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш тажриба-синов дастури асосида маъруза ва семинар машғулотлар ҳамда мустақил таълимга татбиқ қилинди.

(5-жадвалга қаранг):

5-жадвал.

#### Педагогик тажриба-синов ишларида иштирок этган талабалар сони

№	Гуруҳлар	ОТМларида қатнашувчилар сони			
		Тошкент давлат педагогика университети	Термиз давлат университети	Жиззах педагогика институти	Умумий
1.	Тажриба гуруҳи	66	69	65	200
2.	Назорат гуруҳи	65	71	64	200
<b>Жами</b>		<b>131</b>	<b>140</b>	<b>129</b>	<b>400</b>

Ушбу 2 босқичда ўтказилган тажриба-синов ишлари бўйича олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва статистик таҳлилни ўтказиш мақсадида математик-статистик усуллар орқали қайта таҳлил қилинди. Статистик таҳлилни амалга оширишда Пирсоннинг хи квадрат усулидан фойдаланилди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш мониторинги учун алоҳида компетенцияларнинг шаклланганлиги даражасини аниқлашдан иборат бўлган мезонлар тизимидан фойдаланилди. Педагогик тажриба-синов ишларида мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларини ажратиш компетенциялар ривожланганлиги даражасини (юқори, ўрта, паст) ва улар асосида бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини аниқлаш учун зарур ҳисобланади (6-жадвалга қаранг):

**Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигининг мезонлари ва кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	
<b>Мезонлар</b>	
<b>Фанга оид компетенция</b>	бошлангич таълим курси мазмунининг илмий асосларига оид билимларни қўллашга тайёрлик; бошлангич синф ўқувчилари йўл қўядиган одатий хатоликлар ва уларни бартараф этиш усулларига оид билимларни қўллашга тайёрлик; бошлангич синф ўқувчиларининг ўқув ишларини ташкил этиш малакаси; ўқитишнинг саломатликни сақлаш технологияларини билиш ва уларни ўз ишида қўллаш.
<b>Методик компетенция</b>	ўқитиш технологиясини эгаллаганлик; методик саводди ўқув жараёнини ўтказишни билиш; бошлангич синф ўқувчиларига ўргатиладиган малакаларни профессионал эгаллаганлик; ўқитишнинг саломатликни сақлаш технологияларини эгаллаганлик.
<b>Рефлексив компетенция</b>	ўз ишини ва ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва баҳолашни билиш; ўзини-ўзи билиш, ўзини-ўзи ундаш ва ўзини-ўзи амалга ошириш қобилияти.

Ушбу объектларда ташкил этилган тажриба-синов натижаларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида юқорида таъкидланган мезонлар бўйича мос баҳолаш ишлари олиб борилди (7-8-жадвалларга қаранг):

7-жадвал.

**Тажриба-синов ишларининг дастлабки умумий натижалар**

Даражалар	Гуруҳ	Сони	Баҳолаш даражалари					
			юқори		ўрта		паст	
			сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да
Фанга оид компетенциялар шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	5	2,5%	43	21,5%	152	76,0%
	Назорат гуруҳи	200	4	2,0%	46	23,0%	150	75,0%
Талабаларда методик компетенциялар шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	1	0,5%	37	18,5%	162	81,0%
	Назорат гуруҳи	200	3	1,5%	34	17,0%	163	81,5%
Рефлексив компетенция шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	3	1,5%	35	17,5%	162	81,0%
	Назорат гуруҳи	200	4	2,0%	35	17,5%	161	80,5%
Талабаларнинг ёзув методикаси бўйича касбий компетентлик шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	7	3,5%	42	21,0%	151	75,5%
	Назорат гуруҳи	200	7	3,5%	42	21,0%	151	75,5%

## Тажриба-синов ишларининг умумий якуний натижалар

Даражалар	Гуруҳ	Сони	Баҳолаш даражалари					
			юқори		ўрта		паст	
			сонда	%да	сонда	%да	сонда	%да
Фанга оид компетенциялар шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	48	24,0%	107	53,5%	45	22,5%
	Назорат гуруҳи	200	13	6,5%	75	37,5%	112	56,0%
Талабаларда методик компетенциялар шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	33	16,5%	119	59,5%	48	24,0%
	Назорат гуруҳи	200	11	5,5%	65	32,5%	124	62,0%
Рефлексив компетенция шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	45	22,5%	120	60,0%	35	17,5%
	Назорат гуруҳи	200	10	5,0%	65	32,5%	125	62,5%
Талабаларнинг ёзув методикаси бўйича касбий компетентлик шаклланганлик даражаси	Тажриба гуруҳи	200	37	18,5%	128	64,0%	35	17,5%
	Назорат гуруҳи	200	12	6,0%	70	35,0%	118	59,0%

Ушбу жадвал ва график маълумотларига кўра барча таълим муассасаларида ишонч интерваллари бир-бири билан устма-уст тушмайди ва кесишмайди. Шунинг учун олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги исботланди. Тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаси назорат гуруҳлардаги натижадан 16% га юқори эканлиги тўлиқ исботланди. Демак, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш орқали таълим жараёни самарадорлигига оид тажриба-синов ишлари самарали экан.

## ХУЛОСА

“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Тарихий-педагогик таҳлил асосида педагогик таълимнинг турли ривожланиш босқичларида ўқитувчилик фаолияти, касб таълими, бошланғич мактаблар ҳамда бошланғич таълим билан боғлиқ тарихий жиҳатларни ўрганишни тақозо этди.

2. Универсал касбий компетенциялар (ижтимоий, коммуникатив, ахборот, муаммоли, кооператив), умумкасбий (психологик-педагогик, меъёрий-ҳуқуқий, рефлексив) ва махсус (фанга оид ва методик) компетенцияларини синергетик

интеграцияси асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлиги тузилмасини такомиллаштиришга имкон беради.

3. "5111700-Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш" таълим йўналиши ўқув режаси, фан дастурлари таҳлили мустақил таълимда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетенцияларини ривожлантириш имконияти борлиги аниқланди. Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-методик компетенциялари мустақил таълим (ўргатувчи, тайёрловчи, мустаҳкамловчи, такрорий, ривожлантирувчи, ижодий, назорат қилувчи) орқали ривожлантиришни талаб этди.

4. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантириш модели коммуникатив, ташкилий, рефлексив, мотивацион компонентлар орқали такомиллаштирилди. Шунингдек, касбий-методик компетенцияни ривожлантириш (дастлабки, баҳолаш ва тузатиш, мустақил ва якуний саралаш) босқичларида таълим шакллари, методлари ва воситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

5. Адаптив (мустақил ишлашда талаб, изланиш, ижодий) ва репродуктив (кўргазмали тушунтириш, тинглаш, хотирада сақлаш) ўқитиш асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг модулли ўқитиш технологияси босқичлари аниқлаштирилган.

6. Педагогик тажриба-синов якунида назорат, тажриба гуруҳлари талабаларининг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларида сифат кўрсаткичлари ҳамда ўзлаштириш кўрсаткичларида сезиларли фарқ борлиги аниқланди.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги юзасидан қуйидаги **тавсияларни** бериш мумкин:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг табақалаштирилган дастурларини ишлаб чиқиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш мақсадида яратилаётган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантириш юзасидан вариатив дастурлар ишлаб чиқиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг савод ўргатишга касбий-методик компетентлигини ривожлантиришнинг электрон дастурлари ва вебсайтларини яратиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**НОРМУРОВОДА НИГОРА АБДУСАТТАРОВНА**

**РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ  
КЛАССОВ В ОБУЧЕНИИ ГРАМОТЕ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания  
(начальное образование)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована за номером В2018.1.PhD/Ped1498 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.  
Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz), и также информационно-образовательном портале "ZiyoNet" – [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Исакулова Нилуфар Джаникуловна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Хамраев Алижон Рузикулович**  
доктор педагогических наук (DSc), доцент

Ведущая организация:

**Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета за номером DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете «9» июль 2021 года в 11<sup>00</sup> часов. (Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район ул. Бунедкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован под номером 1412). (Адрес: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район ул. Бунедкор, 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86).

Автореферат диссертации разослан «29» июль 2021 г.

(Протокол реестра за номером 4 «29» июль 2021 года)



**Р.Х.Джураев**  
председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н, академик

**Р.Г.Исянов**  
секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н, профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире в образовательный процесс внедрены креативные технологии развития профессионально-методической компетентности будущих учителей начальных классов по обучению грамоте. На основе компетентностного подхода проводится системная работа по внедрению в практику инновационных направлений подготовки конкурентоспособных кадров, вариативных форм обучения, механизмов развития профессиональной педагогической подготовки будущих учителей начальных классов.

В высших учебных заведениях мира проводятся научные исследования по обеспечению качества профессионально-методической подготовки учителей начальных классов, моделированию, проектированию образовательного процесса, совершенствованию профессиональной подготовки, развитию профессиональных качеств и компетенций. В этом отношении внимание уделяется научным исследованиям по обучению будущих учителей начальных классов родному языку и профессиональной подготовке на основе международных квалификационных требований, поднятию качества образования на международный уровень, диагностике уровня развития навыков обучения грамоте, налаживанию модульного обучения, активизации социальной коммуникативности, определению профессионализма учителя начальных классов.

В нашей республике созданы нормативно-правовые основы развития профессионально-методической компетентности будущих учителей начальных классов, организации образовательного процесса в начальных классах с использованием средств информационных технологий, подготовки конкурентоспособных кадров путем развития компетентных специалистов и профессиональной компетентности. "Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение доступности качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда" определены как важнейшие приоритетные задачи. В результате на основе компетентностного подхода расширяются педагогические возможности совершенствования профессионально-педагогической деятельности будущих учителей начальных классов на основе педагогических технологий.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан", ИП-3775 от 5 июня 2018 года "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах", Постановлении ИП-2909 от 20 апреля 2017 года "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования", послании Высшему Совету от 28 декабря 2018 года и 20 января 2020 года,

а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики.** Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики I. "Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики".

**Степень изученности проблемы.** Вопросы совершенствования методической подготовки будущих учителей начальных классов были исследованы Б.Абдуллаевой, Г.Баймурадовой, К.Касымовой, Х.Гулямовой. Вопросы совершенствования организации уроков родного языка в начальных классах были исследованы У.Машариповой, вопросы обучения грамоте М.Гулямовым, Т.Гаффаровой, К.Касымовой, С.Матчановым, Х.Гулямовой, Н.Сариевым, К.Абдуллаевой.

Формирование письменной культуры на различных этапах обучения, вопросы речевой деятельности и подходы к существующей культуре были изучены учеными стран СНГ: А.Н.Васильевой, И.А.Зиминой, Н.А.Ладыжинской, М.Р.Львовым.

